



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 5 март, № 47 (4710)

Пайшанба

ЎЗБЕК ГИЛАМЛАРИ — ХОНАДОН ФАЙЗИ

Мамлакатимизда тadbиркорлик ҳаракати давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида чет эллик ҳамкорлар билан тенг манфаатли кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.



Ўзимизда ишлаб чиқарилган

Иззах шаҳрида фаолият кўрсатган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Euroasia Carpet» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ана шу ислохотларнинг мевасидир. Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона Туркия ва Германия давлатларининг 2,587 миллиард сўмлик замонавий ускуна ва дастгоҳлари билан жиҳозланган. Натижада бу ерда хорижийдан асло қолишмайдиган нақшу нигорли гиламлар ишлаб чиқарилапти. Унга ички бозорда талаб йил сайин ортиб бормоқда. 2008 йилда 935 миллион сўмлик 560 минг погон метр маҳсулот тайёрлангани ва улар тўлиқ сотилгани бунинг далилидир.


Корхона жамоаси Туркия ва Эрон давлатларининг мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатгани, айниқса, мижозлар талабидан келиб чиққан ҳолда, турли ҳажмдаги бежирим ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариши имконини берапти.

СУРАТДА: қўшма корхона оператори Дилрабо Қодирова.

Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.



4 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А. Эрдонаев «Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасида коллекторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ташкил этиши, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш тартиби, шунингдек, кредиторнинг, қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, коллекторлик ташкилотларининг фаолиятини таъминловчи бошқа нормалар белги-ланган.

Савол-жавоблардан кейин ҳужжат модда-модда муҳокама этилиб, унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш мақсадида киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

«Коллекторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан «Банк сирини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А. Эрдонаев тақдим этди. Қонун лойиҳаси батафсил муҳокама қилинганидан кейин депутатлар уни иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Абдуллаевнинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, шу жумладан, 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қондаларини рўёбга чиқаришга қаратилган. «Банкротлик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари ниҳоми қилиш тўғрисида»ги қонунлари янада такомиллаштириш

банкот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини банклар мулк сифатида олиши, кейинчалик уларни бақувват инвесторларга реализация қилиши имкониятини беради. Амалдаги қонунларга тузатишлар жаҳон молия бозорларида юзбга келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, мамлакат иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг модда-модда муҳокамаси пайтида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади.

Депутатлар сиёсий партияларнинг 2008 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги партиялар ҳисоботларини эшитдилар. Мазкур масала юзасидан Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси М. Тешабоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Л. Фуломов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А. Турсунов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И. Саифназаров сўзга чиқдилар.

Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида қўриб чиқилди.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш пайтида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун қўча қирганиги муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интeрeсiни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2008 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

(ЎЗА).

Анжуман

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, солиқ сиёсатининг либераллаштирилиши туфайли тadbиркорларимиз учун бир қатор имтиёзлар яратиб берилаётди.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ — МАНФААТДОРЛИК ГАРОВИ

Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, микрофирма, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 10 фоиздан 8 фоизга, жорий йилдан бошлаб саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ушбу тўловнинг 7 фоизга туширилиши юртимизда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган саяёҳаракатлар сирасига киради. Бунинг натижасида сўнгги битта йил мобайнида кичик бизнес субъектлари сонини 1,9 баробар кўпайтиб, 2008 йилда қарий 400 мингтага етди.

Давлат солиқ қўмитасида «Иқтисодий ислохотлар йўлида» мавзусида бўлиб ўтган йилги мутахассислар иштирокчиларга шулар ҳақида маълумот бериш баёранида уларни соҳадаги янгиланган билан ҳам таништиришди.

Таъкидлангани, жорий йилдан бошлаб юридик шахсларнинг ўз сармоясини оширишга, ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган даромадлари беш йил муддатга солиқлардан озод этилди. Ягона ижтимоий тўловнинг 24 фоизли ставкаси сақланиб қолган ҳолда, унинг базавий миқдори киритилди.

Соҳадаги асосий ўзгаришлардан яна бири жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи билан боғлиқ. Яъни, ўтган йили ушбу солиқнинг

(Давоми 2-бетда).

«АЛАМ» газетаси:

«ИСЛОМ КАРИМОВ — БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ШУБҲАСИЗ, ЮКСАК ҚОБИЛИЯТЛИ МЕНЕЖЕР»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси хорижий мамлакатларда кенг ўрганилмоқда ва шарҳланмоқда.

Яқинда Қирғизистоннинг «Алам» газетаси «Қирғизпатент» давлат патент хизмати статс-секретари, иқтисод фанлари номзоди Калнур Ормушев билан Ўзбекистон Президенти маърузаси таҳлил этилган сўхбатни чоп этди.

«Ўзбекистонда иқтисодиёт минтақадаги қўшни давлатлардаги қараганда оқилона, оптимал тарзда ташкил этилган ва бир маромда ривожланиб бормоқда. Утган йили бизнинг вазиримиз А. Жапаров (Қирғизистон иқтисодий тараққиёт ва савдо вазири — таҳр. изоҳи) иқтисодиётнинг кластер тизимларини шакллантириш гоёсини илгари сурганди. Ўзбекистонда эса бизнинг бу орзумиз аллақачон амалда фаолият кўрсатмоқда. Яъни, ҳар бир ишлаб чиқариш цикли учун хом ашё тайёрлаш, унга ишлов бериш ва қайта ишлашдан тортиб, маҳсулотни бозорга

олиб чиқишга бўлган жараён — бунинг учун техника ва технологияларни яратиш ҳамда кадрлар тайёрлашга чўлган комплекс тарзда ташкил этилган тизимлар ишлаб келмоқда. Мисол учун, мамлакат учун аънавий пахтачилик соҳасини олинган. Зарурий ирригация иншоотлари ва ўғитлар билан ишлов берилган пахта далаларида ўз ишининг устаси бўлган, малакали деҳқонлар маҳаллий олимлар томонидан яратилган пахта навларини экиб-ўстиради. Уларнинг юксак механизациялашган меҳнатини маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

Эътироф

мачилик ва тикувчилик фабрикаларида меҳнат қилаётган, хорижий эмас, Ўзбекистон олий ўқув юртли ва коллежларида етишиб чиққан мутахассис ва инженерлар томонидан қайта ишланади. Мана сизга ҳақиқий кластер тизимининг бир соҳадаги кўриниши!

Шунингдек, Ўзбекистон 2008 йилда иқтисодиётнинг нафақат барқарор фаолият

кўрсатиши, балки юқори суръатда, изчил ўсишини ҳам таъминлай олганига ўқувчилар эътиборини қаратишни истардим.

Мамлакат яриги ички маҳсулоти 109 фоизга, саноати эса 112,7 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 104,5 фоизни ташкил этиб, 3 миллион 410 минг тонна пахта хом ашёси, 6 миллион 330 минг тонна рағла, шу жумладан 6 миллион 145 минг тонна бугдой етилтирилди. Давлат бюджети ортиши билан бажарилиб, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялғи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорда профицитга эришилди.

Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолди.

Ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баро-

бардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошди. Натижада ўтган йили ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди.

Ушбу ижобий натижаларга 2008 йилда юзага келган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозидан дунёдаги деярли барча мамлакатлар иқтисодиёти қўйналиб турган бир шароитда эришилди.

Шу билан бирга, айни пайтда инқироз миқёси кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатларда кенгайиб, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши, ишсизликнинг ортиши, аҳоли турмуш даражасининг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда ва унинг яна қандай давом этишини башорат қилиш мушкул.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган мамлакатимизда қурилиш материалларига талаб ошиб бормоқда.

Қурилиш учун янги маҳсулот

«Жаркўрғоннефткайтаишлаш» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жамоаси шуни ҳисобга олиб, қурилиш маҳсулотлари турини босқичма-босқич кўпайтириб бораётди. Яқинда корхонада эмulsion ишлаб чи-

қариш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, бир кеча-кундузда тайёрланаётган 30 тонна шундай маҳсулотнинг маълум қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Пастдаргом саховати»ни хорижда ҳам билишади

Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигида ташкил этилган «Пастдаргом саховати» қўшма корхонаси маҳсулотлари тобора харидориги бўлиб бормоқда. Бир-

гина ўтган йилнинг ўзига қуртилган узум, олма, ўрик, олхўри, ёнғоқ, ерөнғоқ, жийда сингари жами 474 тонна маҳсулот хорижга экспорт қилинганлиги

бунинг тасдиғидир. Корхона бу йил янада кенгайиб, қўшимча иш ўринлари яратилади.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бувайдалиқлар Сарваржон Тўхтаевни химматли тadbиркор сифатида яхши билишади.

Тadbиркор химмати

Тadbиркор тумандаги бир неча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига 30 миллион сўмлик турли жиҳоз ва ўқув қўлланмаларини етказиб берди. Яқинда эса Хонобод қишлоғида қишлоқ врачлик пункти биноси қурилишини якунига етказди. Ушбу ҚВГда беморларга тез ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Соғлом аёл — соғлом жамият»

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Адлия, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш ва-

зирликлари тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар спортнинг волейбол, стритбол, гимнастрада, стол тен-

нисини, бадминтон тури бўйича ўзаро куч синашди.

(Давоми 2-бетда).

ЧОРВАЧИЛИК РАВНАҚ ТОПАДИ

2009

Йил 1 январь ҳолатига кўра, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сонини

1 миллион 100 мингдан кўпроқни ташкил этди.

Чорва билан шуғулланадиган кишилар сонининг кўпайиши, аввало, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашни муҳим йўналиши бўлса, иккинчидан, бу рақамлар юртимизда чорвачилик раванқ топаётганини яққол кўрсатмоқда.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

«ААЛАМ» газетаси: «ИСЛОМ КАРИМОВ — БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ШУБҲАСИЗ, ЮКСАК ҚОБИЛИЯТЛИ МЕНЕЖЕР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жаҳон молиявий инқирози дунё ҳўжали ва молия-иқтисодий тармоқлари билан чуқур интеграциялашган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бироқ инқирознинг Ўзбекистонга бўлган таъсири унинг, айтайлик, асосини хом ашё ресурслари экспорти ташкил қиладиган Қозоғистон иқтисодиётига бўлган таъсиридан катта фарқ қилади. Ўзбекистон экспортда тайёр, рақобатдош маҳсулот саломининг барқарор ўсиши ва хом ашё этибериш берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиши кузатилади. 2008 йилдаги умумий экспорт ҳажмида хом ашё бўлмаган маҳсулот улуши 71 фоиздан ошди. Айнан шунинг учун ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашганига қарамай, Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги ташқи савдо айланмаси 21,4 фоизга ошди, айни пайтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Бунинг натижасида ташқи савдо балансидаги ижобий салдо ҳамми сезиларли даражада ўсиб, бу ўз навбатида, тўлов балансининг ишончилиги ва иқтисодий барқарорлигининг энг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибига юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, нафақат Ўзбекистон иқтисодиётининг юксалаётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради, балки экспортнинг хом ашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига бېғиришга қўшимча қиймат қўшишни камайтиришнинг энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маърузада Ўзбекистон учун аниқлаб экспорт хом ашёси бўлган пахта толасининг улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 12 фоизга тушгани таъкидланган. Бу эса пахта толасининг ана ўша 8 фоизи мамлакат қайта ишлаш саноатига йўналтирилганидан далолат беради. Бундан нафақат пахта етиштирувчиларнинг, балки енгил саноат корхоналари ходимларининг ҳам даромадлари кўпайди.

Инқироз — иқтисодий кассалик, дегани. Шу боис унга, аввало, иқтисодий организмимизнинг давлатлар дучор бўлади. Ўзбекистон эса ўз иқтисодий организмимизнинг инқирозга қарши тура олишини таъминлай билди. У инқироздан иқтисодий кучсиз мамлакатларга қараганда камроқ йўқотишлар билан чиқиб, шубҳасиз.

Марказий Осиё маконида Ислам Каримов нафақат буюк давлат арбоби, балки, шубҳасиз, юксак қобилиятли менежер ҳамдир. Унинг салоҳияти совет давридаёқ номён бўлган. Ушунда у нисбатан ёш бўлишига қарамай, собиқ иттифокдаги етакчи республикалардан бирининг Режалаштириш қўмитасига раис бўлди. Кейинча

Мамлакатимизда мустақилликка эришилганидан сўнг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йиллар мобайнида республикамизнинг шу мақсадга қаратилган қатор қонунлари, Президентимиз Фармон ва қарорлари қабул қилини ҳамда турмушимизга татбиқ этилди. Тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу йўлдаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартафат этиш, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашё ва материалларни очик бижра савдоларида тоштини ташкил этиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёнини енгиллаштириш, ноқонуний текширишларга йўл қўймалик чора-тадбирлари ушбу ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий ечимини топди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Зотан, маърузада таъкидланганидек, республикамизда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 2008 йилда қарийб 400 мингтадан ташкил этди. Ўз навбатида, улар ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга ўсди. Натижада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга ошди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоиздан кўпроги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани унинг салоҳиятидан дарак беради.

Маърузада, шунингдек, 2009 йилда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омил сифатида хизмат кўрсатиши ва кичик бизнес соҳасини янада жадал ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолиши таъкидланди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик учун қўлай муҳит яратиш мақсадида, жумладан, имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш белгиланганлиги, айланма маблағларни тўлдирishi учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга узайтирилганлиги, саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилганлиги, молиявий,

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

маиший ва бошқа хизматларни кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилганлиги 2009 йилда мамлакатимизда ушбу соҳа равангини таъминлайди, албатта.

Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, Наманган шаҳрида ҳам амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим вазифалар белгила олдинди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, шаҳарда 2008 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 17 фоизга, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ҳажми 22,4 фоизга ўсди.

Шаҳардаги саноат корхоналари-га жами 10 млн. 376 минг АҚШ доллари микдоридagi чет эл инвестицияси киритилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан 2008 йилда 20,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

«Водий таңхо сервис», «Нампром лизинг», «Наманган шербати», «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамиятлари, «Гранд текстил сервис» хусусий корхонаси сингари бир қатор кичик бизнес субъектлари томонидан 1,2 млрд. сўм, шунингдек, «Версал», «Туркис-

тон», «Наманган» меҳмонхоналари-га ҳам 2 млрд. сўмга яқин инвестиция маблағлари жалб қилинди. Ушбу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологиялар-ни ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ҳамда 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилишига омил бўлди.

Бундай ишлар қўламини 2009 йилда ҳам янада кенгайтириш назарда тутилган. Чунки, арзон ва сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланидиган «Турбо пласт» хусусий корхонаси жорий йилда 100 млн. сўмлик янги ишлаб чиқариш линиясини ўрнатиш ва шунинг ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини 2,2 млрд сўмга ошириш, 30 га яқин янги иш ўринлари яратишни режалаштирган. «Афрўз — Камол — Наби», «Нампром лизинг» МЖХ шаклидаги корхоналарда ҳам ҳорижий инвестицияларни киритиш ҳисобига янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қўшимча иш ўринлари очиш чоралари қўрилади.

Бундай ишлар қўламини 2009 йилда ҳам янада кенгайтириш назарда тутилган. Чунки, арзон ва сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланидиган «Турбо пласт» хусусий корхонаси жорий йилда 100 млн. сўмлик янги ишлаб чиқариш линиясини ўрнатиш ва шунинг ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини 2,2 млрд сўмга ошириш, 30 га яқин янги иш ўринлари яратишни режалаштирган. «Афрўз — Камол — Наби», «Нампром лизинг» МЖХ шаклидаги корхоналарда ҳам ҳорижий инвестицияларни киритиш ҳисобига янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қўшимча иш ўринлари очиш чоралари қўрилади.

Президентимиз ўз маърузасида Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробарга кўпайтириш мўлжалланаётганлиги, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш кўзда тутилганлиги, бундай корхоналарга 2012 йилнинг 1 январига қадар солиқ ва божхона бўйича бир қатор имтиёзлар берилганлигини таъкидлаб ўтди.

Шу маънода Наманган шаҳрида Маҳаллийлаштириш дастурига 8 та лойиҳа бўйича 6 та корхона киритилган. Улар халқ ҳўжалиги моллари ишлаб чиқаришда ўз салоҳиятларини кўчайтириб олиш имконига эга бўладилар.

Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантиришда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига ҳам аҳамият берилляпти. Жумладан, бугунги кунда «Дамбо» ва «Истиклол» хусусий корхоналарида тайёрланаётган поёбазалар бежирим ва сифатли бўлгани учун нафақат шаҳар, балки республикамизнинг бошқа вилоятлари аҳолиси томонидан ҳам харид қилинмоқда. Бу кичик корхоналар ишлаб чиқариши янада ривожлантириб, иш ўринлари сонини 2 баробарга кўпайтиришга муваффақ

бўлдилар. «Гранд-текстиль», «Люкс плюс сервис», «Асадбек» кичик корхоналарида тижиллаётган устки кийимлар эса сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига тўла жавоб бераётганлиги учун хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Умуман, бугун шаҳарда хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, яқинда шаҳардаги барча тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан очик мулоқот ўтказилиб, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шароит ва имтиёзлар ҳақида атрофлиха маълумотлар берилди. Яна шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шаҳарда иш билан банд бўлган аҳолининг 67,2 фоизи мана шу соҳада фаолият юритади. Бу кўрсаткичи бемалол 70-75 фоизга қиқариш имкониятларимиз бор. Мисол учун, 3800 та тадбиркорлик субъектининг ҳар бири 2 тайдан янги иш ўрни яратса, иш билан банд бўлган аҳоли сони 7600 тага кўпаяди. Бундан ташқари, қасаначилик йўли билан 5000 дан ортиқ иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, 234 нафар оилага Бандликка кўмаклашиш маркази кредити ҳамда ҳоимийлар маблағи ҳисобидан қорамол олиб бериш ва шу йўл билан фуқароларни иш билан таъминлаш чоралари белгиланган.

Умуман, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, шу жумладан, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга, худуднинг иқтисодий салоҳиятини кўчайтиришга хизмат қилади. Аслида, бу йўртбошимиз раҳнамоллигидан олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир.

Муҳаммадҷон ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

«СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар ва оилавий спортини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чўра-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан спорт фестиваллари, турли касб эгалари ўртасида мусобақалар, талаба, ўқувчи қизлар турнирлари, оилавий спорт беллашувлари ўтказилмоқда. Қўмита қошида ташкил этилган «Аёл ва спорт» комиссияси юртимизнинг барча ҳудудларидаги маҳаллаларда яшовчи хотин-қизлар, оддий ўй бекаларини оммавий спортга жалб этиш, спортнинг муайян турлари бўйича аёл мураббийларни тайёрлаш юзасидан кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда турли вазирилик ва идоралар ходимлари ўртасида спорт мусобақалари, турнирлар, беллашувлар ўтказилмоқда, тенгқурларига ибрат бўлаётган спортчи қизлар билан таълим масканлари, маҳалла-

ларда учрашувлар ташкил этилмоқда.

«Соғлом аёл — соғлом жамият» шiori остида ўтказилган ушбу мусобақа якунига қўра, бадминтон ва волейбол бўйича Мудофаа вазирилик, стритбол ва стол теннис бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, гимнастрада бўйича Адлия вазириликнинг спортчи қизлар жамоалари ғолиб, деб топилди. Умуманма ҳисобидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ҳамда Мудофаа вазирилик вакиллари биринчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди. Назоқат УСМОНОВА,
ЎА муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ставкалари 13, 18, 25 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб ставкалар мос равишда 12, 17 ва 22 фоиз микдорда белгиланди.

СОЛИҚ ИМТИЁЗИ — МАНФААДОРЛИК ГАРОВИ

Эндиликда фуқаролар кредит ушмаларидаги омонатлари бўйича олган маблағларидан даромад солиқи тўламайди, шунингдек, уларнинг ўзлари ташкил этган микрофирма ёки кичик корхоналардан дивиденд сифатида қўра-диган даромадлари ҳам беш йилгача солиққа тортилмайди.

Маълумки, ҳозирги кунда дунё миқёсида иқтисодий инқироз кузатишмоқда. Бу жараёнда ички бозорда талабни қондириш орқали маҳаллий

ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, республикамизда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имкониятлар,

жумладан, солиқ борасидаги имтиёзлар соҳада мутаносибликни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Очик мулоқот тарзида ўтган йилгилишда пойтахтимизда фаолият юритаётган қўллаб-тадбиркорлар солиқ сийёсатидаги янгиликлардан божабар бўлиб билан бири, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Очик мулоқот тарзида ўтган йилгилишда пойтахтимизда фаолият юритаётган қўллаб-тадбиркорлар солиқ сийёсатидаги янгиликлардан божабар бўлиб билан бири, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ.

Изланиш

Мамлакатимизда парваришланаётган қорақўл қўйларининг қарийб ярми Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади. Сабаби, бу вилоят чорвадорларининг машаққатли меҳнати эвазига чорва бosh сони йил сайин кўпайиб, катта миқдорда ғўш ва ёғ, қимматбаҳо қорақўл тери ҳамда жун етиштириляпти.

ҚАЙТА ИШЛАНГАН — ФОЙДА

Қорақўл қўйлари йилига икки марта — баҳор ва кузда қирқимга келиши жунни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришни тақозо этаётганди. Учқудук туманидаги «Учқудукқорақўл» масъулияти чекланган жамияти — шу мақсадда ташкил этилган корхоналардан бири. Айни пайтда бу ерда умумий қиймати икки юз миллион сўмлик замонавий жиҳозлар ўрнатилмоқда. Корхона ишга тушган, йилига икки юз тонна жун ва 50 минг тона қорақўл терини қайта ишлаш имконияти ву-жудга келади, 30 киши доимий иш билан банд бўлади. Худди шунингдек, Конимех тумани марказида йилига 600 тонна жунни қалавалайдиган «Конимех Руно» қўшма корхонаси ташкил этилди.

Навоий шаҳридаги «Бахт-текстиль» қўшма корхонаси эса Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Навоий вилояти бўлиминдан олган бир ярим миллиард сўм кредит жиҳатда жунни қайта ишлаш цехини очди. Ушбу цех Германияда ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги технология услуқлар билан жиҳозланган.

— Вилоятимизда йилига 3 минг тоннадан зиёд жун тайёрланади, — дейди «Бахт-текстиль» корхонасининг раҳбари Қўбилжон Турсунов. — Бу қимматбаҳо хом ашёга Германия, Франция, Россия давлатларида эҳтиёж жуда катта. Улардан қўллаб-бурғунлар олдиқ. Ниятимиз — келажакда жунни ўзимизда қайта ишлаб, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотни эса экспортга қиқариш.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ТЕХНИКА ЮТУҚНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Фарғона вилоятида баҳорги экин мавсумига пухта ҳозирлик қўрилмоқда.

Бу борада, айниқса, «Тошлоқ тумани машина-трактор парки» акциядорлик жамиятида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

Шу пайтга қадар 120 дан зиёд чопик трактори ва культиватор, 45 та сеплка, 270 та борона жамламаси сифатли тумандан чиқарилди. Шунингдек, тумандаги фермер ҳўжаликлари техникасини таъмирлашда ҳам мазкур жамиятнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

СУРАТДА: механизатор Файратхон Усмонов. Шўҳрат ОЛИМОВ (ЎА) олган сурат.



узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантиришни жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилади.

Айни пайтда мижозлар учун «ZTE» корпорациясида ишлаб чиқарилган 1454 донa симсиз станциялар терминал келтирилган. Мазкур терминалларнинг афзаллиги шундаки, мижознинг уйига кабель тортилиши талаб

мижоз учун, ҳам алоқа ташкилоти учун анча қулайлик туғдиради. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 январдаги «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, айниқса, қишлоқ жойларида телекоммуникация хизмати сифатини тубдан яхшилаш ва унинг тармоқларини модернизация қилиш, телекоммуникация хизматлари бозориди кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш кўрсатиб ўтилган. Бу масала «Ўзбектелеком» АК ва унинг филиалларининг доимий эътиборидадир.

Каримжон МУЛЛАБОВ,
«Ўзбектелеком» АК
матбуот котиби.

ҚИШЛОҚЛАРДА СИФАТЛИ АЛОҚА ХИЗМАТИ

Бу борада «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент Телеком» филиалида ҳам бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ўз таркибига 18 та туман телекоммуникация боғламаларини бirlаштирган «Тошкент Телеком» ўтган йили истеъмолчиларга сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этди.

«Ўзбектелеком» АК ҳамда Хитой Халқ Республикасининг «ZTE» корпорацияси ўртасида

имзоланган шартнома доирасида пойтахт вилоятининг Бўстон-қўш туманидаги Озодбoш, Товоқсой, Искандар, Бурҷмулла ва Сижжақ аҳоли масканларида маънан ва техник жиҳатдан эс-кирган телефон станциялари замонавий рақамли коммутация станцияларига алмаштирилди. Шунингдек, Янгийўл, Бекобод, Паркент, Бўжа, Юқоричирчиқ, Оққўрғон туманларидаги бир қатор аҳоли пунктларида ҳам бугунги кун талабларига жавоб берайдиган аналог телефон станцияларини маҳаллийлаштириш

дастури асосида ишлаб чиқарилаётган «Коинот» ОАЖнинг «Эл-СГМ» русумли рақамли телефон станцияларига алмаштирилди. Бўстонлик туманида маънан ва техник жиҳатдан эс-кирган релъефларда жойлашган Нанай, Бурҷмулла, Сижжақ ва Чимён аҳоли масканларига ўрнатиш рақамли станцияларига марказий станция билан уланишини таъминлаш учун эса станциялараро боғловчи линиялар «Ўзбектелеком» АК ҳамда «Delaney Global Ltd.» компания

ратилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қишлоқ ҳудудларида телекоммуникация хизматларининг сифати ошди, шунингдек, турдош алоқа хизматлари кўрсатиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Олмалик шаҳри ва аҳоли масканларида «Ўзбектелеком» АК «Ўзбектелеком Мобайл» филиали билан ҳамкорликда CDMA 450 стандартидаги мутлақ симсиз алоқа хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят аҳолисининг Интернет хизматларига бўлган талабини қондириш борасида ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, қўрсатилаётган алоқа хизматлари учун ҳисоб-китоб, тўловлар жараёнини тезлаштириш мақсадида автоматлашган ҳисоблаб биллинг тизими ишга туширилди. Бу ҳам

Ислохот

...Пардани сурдим. Зерикари манзара. Қор-ёмгирдан унда бўлиб кетган чинор шохилари, тунука томи занглаган гиражлар, ўтган-кетган машиналарни боҳафсала кузатиб турган қорамтир дарахтлар... Ногоҳ улардан бири яшилгангандек туюлди менга. Ишонч ҳосил қилиш учун деразани очдим. Хонамга аввал машиналар шовқини, кейин майин шабада ортидан тупрок ҳиди кириб келди. Қадрдон ва ёқимли ҳид. Беихтиёр нафта энгашдим. Аллақачон буй кўрасати қолган майсалар орасига сиёҳ тўкилгандек гўё. Бинафша!

дамларда ҳам умидимиздан воз кечмадик. Бизни ёруғ кунларга - Истиклолга бошлаган Президентимиз раҳнамолигида юртимизда инсоний қадриятлар қайта камол топди. Ватандошларимизнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди, миллий ғуруримиз юксалди. Дустлик, биро-



реза тердан бошланади. Баҳор юртимизга фаровонлик бағишлаган қишлоқлардан бошланади. Президентимиз ташаббуси билан 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Барчамизнинг илдимизимиз, томиримиз она заминга боғлиқ. Шу боис Ватан деган улғу ва муқаддас тушунча, аввало, қишлоқ тимсолида намойён бўлади. Халқимизнинг ризқ-рўзи, нон-насибаси заҳмат-каш деҳқонларимиз етиштирадиган ноз-неъматлар билан ўлчанади. Давлатимиз раҳбари яитганидек, юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлиши ва олдимизда турган юксак вази-

УЧ УСТУНГА СУЯНГАН ДУНЁ

...Бухоро туманидаги Сўфикоғар маҳалласида яшовчи Махфират Асадованинг бир ташвиши енгиллашди: ногиронлик аравачасига эга бўлди. Кекса онахон энди куча-куйга чиқа олади, кўни-кўшни билан дийдорлашади. Кўнгли ёзилди. Меҳр кўзда, дийдор ганимат деб беҳиз айтишмаган, ахир.

— Уқтамжон Раҳматовнинг ҳиммати билан Махфират ая шундай аравачали бўлди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хосият Камолова. — Билсангиз, бу фермеримиз эҳтиёжманд кишилардан ёрдамини, ширин сўзини аямайди. Маҳаллага елкадош, жамоаси аҳил. Шу боисдан ҳар йили баракали ҳосил етиштиради. 97 гектар экин майдонига эга фермер Шароф Жўраев ҳам қўли очик, эл-юртта қай-ишадиган қишлоқ мулкдорларидан. У маҳалладаги ўндан зиёд ногиронга 50 қилграммдан дон тарқатиб чиқди. — Бугдўй унинг бўлмасин, бугдўй сўзинг бўлсин, дейишгани беҳиз эмас, — дея мулоҳаза юритди ғиждуворонлик маҳалла фаолларидан бири Хумор Хамроева. — Баъзан меҳр билан, юракдан чиқариб айтилган сўз ҳам кўзларга нур, эртанги кунга ишонч бағишлайди.

Бу сўзлар беихтиёр жондорлик тадбиркор Ниёз Ниёзовнинг хайрли ишларини ёдидимизга солди. У бир гал қишлоғимизда табиий газ масаласини ҳал этганимиз, дега-нида одамлар беҳад қувон-нишди. Чунки улар шундоқ кўз ўнгиларида вояга етган бу йигитнинг жумардигини яхши билишарди. Тадбиркор сўзининг устидан чиқди.

Дарахт илдизи билан тирик. Бағрикенглик, аҳиллик, меҳр-оқибат ҳаётимизда чуқур томир отган, завол билмас қадриятлар сирасига кириди. Улар инсонга сайқал беради. Кишини кўлларга кўтарди. Унга шараф келтиради. Бу уч устунга суйанган дунёнинг қадр-қиммати шунинг учун юксак. Шу боис умрда мазмун, кўзларда нур бор.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БАҲОР ҚИШЛОҚДАН БОШЛАНАДИ

Борлиқ уйғонади. Яшариш, янгилиниш фасли бошланади. Хадмай бўртиб қолган қуртаклар қабо очади. Хашаротлар виз-виз учади. Майсалар кўкка буй чўзади. Тилла тангалардек сочилиган момақаймоқлар, арик лабиди бўйга еткан мастона ялпизлар ифори, шаддод шабододнинг майин бармоқлари дилни энтиқтиради. Олис-олислардан келадиган турналар садоси ниғолҳарни кўкка қадайдди. Юракларда бир қўшиқ бошланади — кўкдам қўшиғи. Баҳор биз интиқ ва интизор кутган, кўнглиларга шодумонлик, қалб-гаҳа сурур, юракларга кузур бағишловчи ардоқли байрамимиз Наврўздан илк мужда олиб келди.

Тез орада олам яшилланади. Дивримиз узра Наврўз нашидаси кемади. Табиат уйғонади. Кўбш чимилдиқни кўтариб аста кириб келган кувёб мисол ҳамал буржига қиради. Дорилордон кунларга етганимиз учун шукроналик ҳиссига тўлади кўнглиларимиз. Юртимиз тинч. Дастурхонимиз тўкин. Фарзандларимиз соғсаломат. Ораулар мўл, тилакларни бисёр халқимиз — эртанги кун умиди билан, тўй-томшошлар истаги билан яшаётган ватандошларимиз Наврўзга пешвоз чиқади. Айтишларича, ҳеч бир кун инсоннинг умидини тортиб ололмас экан. Тарихнинг қорону кечаларида ҳам, Наврўз қораланган, таъқиқланган дарлик, ҳамжихатлик, меҳр-шафқат байрами Наврўз умумхалқ байрамига айланади.

Туйғу

Табиатнинг эрка фасли баҳор нафақат оламга, балки руҳимизга ҳам янгилиниш олиб қиради. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол биланларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инди. Покиза умид ва ораулар уйғонади. Баҳор ашил тўн кийган қир-адирлардан бошланади, кўкдам қўшиқда тобланиб ётган тупроқдан, деҳқон пешонасидан томаётган реза-

Мамлакатимизда ёш авлоди миллий ва умумбаъшарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга ошириладиган изчил ишохотлар жараёнида адабиётни ривожлантиришга, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарофиддиннинг 80 йиллиги нишонлангани бунинг яна бир далилидир.

МАЪНАВИЙ ЖАСРАТ ТИМСОЛИ

Адабиётшунослигимиз ривожига, миллий ва умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб этишга, халқимиз маънавиятини бойитишга муносиб ҳисса қўшган Озод Шарофиддинов ёш авлод учун катта иқодий мерос қолдирди. Олимнинг адабий тадқиқотлари, публицистик мақолалари, кўлаб таржумалари ўзининг ҳаётийлиги ва долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида Озод Шарофиддинов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий кечада шу ҳақда гап борди. Унда олимлар, шоир ва ёзувчилар, устознинг шогирдлари ва яқинлари, талаба-ёшлар иштирок этди. Филология фанлари докто-



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирининг даълат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати туғрисида 2009 йил 14 февралдан 21 февралгача бўлган маълумотни маълум қилиди.

Тадбир

ри, профессор Умарали Норматов, «Халқон адабиёт» журналі бош муҳаррири ўринбосари, шоир ва таржимон Мирпўлат Мирзо, филология фанлари номзоиди Муҳаббат Шарофиддинова ва бошқалар Озод Шарофиддиннинг инсоний фаилатлари, чуқур тахлилга асосланган илмий асарлари, мунаққидлик фаолияти ҳақида долзарблиги бўлиб келган адабий-бадиий ва ижтимоий-публицистик фаолияти барча зиялилар, айниқса, ёш авлод вақиллари учун маънавий жасрат тимсоли эканлигини таъкидлади. Тадбирда Озод Шарофиддиннинг ҳаёти, иқодий фаолияти бағишлаб суратга олинган «Умр дафтари» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

- 13. Табиий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 14. Табиий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 15. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 16. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 17. Табиий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 18. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 19. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 20. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 21. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 22. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 23. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 24. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 25. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 26. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 27. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 28. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 29. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.
- 30. Миллий газга қўшиқча фойда солишни ислоб қилиш ва бошқалар туғрисидаги қўшиқча қўйиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Миллий асосий қонунининг 2009 йил 10 февралдан 21, 2009-сонли қарори.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» МЕВАСИ

Юртимизда иқтидорли ёшлар истаганча топилади. Президентимиз раҳнамолигида спортга берилган юксак эътибор туфайли уларнинг истеъдоди рўёбга чиқмоқда.

Самарқандлик ўн уч ёшли Мафтун Шамсиева ҳам қобилиятли ёшларимиздан бири. У спортнинг нафис турларидан ҳисобланган ҳавасий гимнастика бўйича кўнглилик тенгдошлари бади қиладиган ютуқларга эришган.

Мафтун бадий гимнастика тўғрисида кўнглилик тенгдошлари бади қилди. Унинг ҳаёти ва ижтимоий-публицистик фаолияти барча зиялилар, айниқса, ёш авлод вақиллари учун маънавий жасрат тимсоли эканлигини таъкидлади. Тадбирда Озод Шарофиддиннинг ҳаёти, иқодий фаолияти бағишлаб суратга олинган «Умр дафтари» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Фахр

ланганим. Шундан сўнг мураббийлар менга ишонч билдириб, Алматы шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирга қатнашга ҳамма журъат қилмайди. Лекин бу қийинчиликлар Мафтунни додиратиб қўймади. Узи танлаган йўлдан қатъият билан борган қизалоқ аста-секин кичик мусобақаларда муваффақиятга эриша бошлади. Яқинда пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-йиғин машғулотида ташкил этилган мажлисда Мафтун билан қисқача мулоқотда бўлди. — Бадий гимнастика бўйича биринчи катта ютуғига 2006 йили ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт уйинларининг республика босқичида эришганман, — дейди у. — Ушунда фахрли учинчи ўринни кўлга киритиб, бронза медали билан тақдир-

ланганим. Шундан сўнг мураббийлар менга ишонч билдириб, Алматы шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирга қатнашга ҳамма журъат қилмайди. Лекин бу қийинчиликлар Мафтунни додиратиб қўймади. Узи танлаган йўлдан қатъият билан борган қизалоқ аста-секин кичик мусобақаларда муваффақиятга эриша бошлади. Яқинда пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-йиғин машғулотида ташкил этилган мажлисда Мафтун билан қисқача мулоқотда бўлди. — Бадий гимнастика бўйича биринчи катта ютуғига 2006 йили ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт уйинларининг республика босқичида эришганман, — дейди у. — Ушунда фахрли учинчи ўринни кўлга киритиб, бронза медали билан тақдир-

Об-ҳаво

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 2-7, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Тунда 2-7, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 5-10, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 2-7, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 5-7, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгирмо» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Халқ сўзи» ва «Нароное слово» газетлари жамоаси «Халқ сўзи»нинг Бухоро вилояти бўйича мухбири Истам Иброҳимовга воқоиди муҳтарамаси Нуржон бун ИБРОҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий сули жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Султоншоша МАДРАҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улғабек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Физика факультети Ядро ва назарий физика кафедраси катта ўқитувчиси Шариф ОДИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этлади.

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоати ташкилотлари Инглиз филология факультети декани Муовини Тулабой Мадраҳимовга онаси ҚУРБОНБЕКА янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этлади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Саноят экология кафедраси доценти Клара Олиловага онаси МАҚСУДАХОН янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ошқ қишлоқчилик тижорат «Галлабанк» жамоаси Самарқанд минтақавий филиали бошқарувчиси Қайом Собирова палари Ҳамро ота СОБИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи» ва «Нароное слово» газетлари жамоаси «Халқ сўзи»нинг Бухоро вилояти бўйича мухбири Истам Иброҳимовга воқоиди муҳтарамаси Нуржон бун ИБРОҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий сули жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Султоншоша МАДРАҲИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улғабек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Физика факультети Ядро ва назарий физика кафедраси катта ўқитувчиси Шариф ОДИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этлади.

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоати ташкилотлари Инглиз филология факультети декани Муовини Тулабой Мадраҳимовга онаси ҚУРБОНБЕКА янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этлади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Саноят экология кафедраси доценти Клара Олиловага онаси МАҚСУДАХОН янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ошқ қишлоқчилик тижорат «Галлабанк» жамоаси Самарқанд минтақавий филиали бошқарувчиси Қайом Собирова палари Ҳамро ота СОБИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



FIAT GROUP
HOLLAND TL5060
TEL.: 120 60 97 - 120 89 58
NEW HOLLAND AGRICULTURE
СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ - БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қўйидаги хизматларни кўрсатади:
● қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металлларни букиш;
● барча пайвандлаш хизматлари;
● мижоз материалдан (металл) махсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.
Қўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.

1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, классер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ. ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAO@POCHTA.UZ

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Нашбатчи котиб — А. Орпоев. Нашбатчи муҳаррир — М. Жонқонов. Нашбатчи — З. Жонқонов. Мусахҳас — Ҳ. Тохтужаев.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 21.00. Тошхирялди — 21.30